

---

## ХАЛҚ ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИГА ЭМАС, ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИ ХАЛҚИМИЗГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ КЕРАК

Вилоятимиз шаҳар ва туманларида Президент маслаҳатчиси раҳбарлигида 20 дан ортиқ вазирлик ва Республика идоралари раҳбарлари ва ўринбосарлари иштирокида ўтказилаётган оммавий сайёр қабуллар бугун Қўштепа туманидаги 1-ИДУМда давом этди.

Сайёр қабулда Қўштепа, Ёзёвон, Олтиариқ, Тошлоқ, Қува туманлари ва Марғилон шаҳридан келган фуқаролар томонидан ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари бўйича қилинган муурожаатларни ҳал этиш чоралари кўрилди.

Фуқаролар томонидан қилинган бир қатор муурожаатлар сайёр қабулнинг ўзида ижобий ҳал этилганлигини кўриш мумкин.

Ёзёвон туманидан келган Мастура Ўринбоева фарзандининг беморлиги сабаб ўзи ва фарзанди учун хорижга чиқиш биометрик паспорти олиш бўйича ариза билан муурожаат қилди. Ушбу муурожаат тегишли идора вакиллари иштирокида муҳокама қилиниб, шу куни биометрик паспортлар тайёрланиб, фуқарога тақдим қилинди.

Маълумот ўрнида, Фарғона тумани Мозортаги истироҳат боғи ҳудудида Фарғона ва Қувасой шаҳарлари, Фарғона тумани фуқаролари учун 11 май куни ўтказилиши режалаштирилган сайёр қабул 8 май куни соат 10:00да бўлиб ўтади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-05-07 16:51:43